

УЎТ 633.11 : 631.52

**ЛАЛМИ ЕРЛАРНИНГ ҚИР-АДИРЛИК МИНТАҚАЛАРИ УЧУН  
ЮМШОҚ БУҒДОЙ ТИЗМАЛАРИНИ ЮҚОРИ МАҲСУЛДОРЛИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ ВА ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИ**

**Амиров Отабек Ҳайдар ўғли**

таянч докторант

**Жўраев Маматкул Абдурахманович**

қ.х.ф.ф.д.

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

**Аннотация.** Лалмикор ерларнинг қир-адирлик минтақаларида юмшоқ буғдойнинг қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли янги навларини яратишда юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларига эга тизмалардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Шу мақсадда ICARDA (International Center for Agriculture on the Dry areas) халқаро ташкилотидан келтирилган биологик баҳорги юмшоқ буғдой тизмалари дала тажрибаларида экиб ўрганилди.

Мақолада юмшоқ буғдой тизмаларини маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ва танлаш натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар.** Юмшоқ буғдой, тизма, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, дон сони, дон вазни, 1000 дона дон вазни, маҳсулдорлик, ҳосилдорлик, баҳолаш, танлаш.

**Кириш.** Ҳозирги кунда лами ерларда буғдой навларини етиштиришда иқлим ўзгаришлари таъсирида дон ҳосилдорлиги паст бўлиши кузатилмоқда.

Лалмикор ерларнинг қир-адирлик минтақаларида кейинги йилларда қурғоқчилик ва иссиқликнинг рўй бериши, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари, касаллик ва зараркунандалар таъсири каби омиллар буғдой ҳосилдорлигига салбий таъсир ўтказмоқда.

Қир-адирлик минтақаларда экиш учун замонавий ва инновацион селекция усулларини қўллаган ҳолда юмшоқ буғдойнинг бошланғич манбаларини ҳосил

қилиш ва улардан фойдаланиш юқори ҳосилли янги навларни яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлади (4).

Лалми ерларга мос, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли, эртапишар ва серҳосил юмшоқ буғдой навларини яратиш учун тизмаларини маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича тадқиқ этиш б талаб этилади.

**Материаллар ва методлар.** Тадқиқотларда Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институтида мавжуд бўлган юмшоқ буғдойнинг маҳаллий нав намуна ва дурагайларида, ICARDA халқаро ташкилотининг 17th SBWYT-НТ ва 19th ESBWYT питомникларидаги 1300 дан ортиқ баҳори юмшоқ буғдой нав намуна ва тизмалари экиб ўрганилди. Дала тажрибалари Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Марказий тажриба хўжалиги дала майдонларида олиб борилди.

Тадқиқотлар давомида тизмаларнинг ўсиши ва ривожланиши, қимматбаҳо белги ва хусусиятлари ўрганилиб, юқори кўрсаткичга эга бўлган тизмалар бошланғич манба сифатида ажратиб олинди.

Намуналар 2023 йил 4 январда 1м<sup>2</sup> ораликдаги майдончага 100 донадан экиб ўрганилди. Кўчатзордаги намуналар 24-27-январда тўлиқ униб чиққанлиги аниқланди. Намуналарнинг тўлиқ бошоқлаши 13 майга, дон пишиши 8-12-июнга тўғри келди.

Илмий тадқиқотларни бажаришда агротехник тадбирлар Лалмикор деҳқончилик ИТИ томонидан 1994 йилда ишлаб чиқилган тавсия ва услублар асосида, фенологик кузатувлар, дала ва лаборатория шароитида турли кўрсаткичлар бўйича баҳолашлар, таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси (1997) ва собиқ Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтида (ВИР) ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

Буғдой нав намуна ва тизмаларини дала тажрибаларида баҳолашлар Халқаро СЭВ классификаторининг Triticum авлоди бўйича ишлаб чиқилган услублар бўйича баҳоланди.

Тажриба даласи денгиз сатҳидан 580 м баландликда жойлашган бўлиб, жанубий-шарқ томондан Молгузар, ғарб томондан Ғўбдунтоғ, шимолий-шарқдан Қўйтош паст тоқ тизмалари билан ўраб олинган паст худудда жойлашган. Тажриба даласи асосан турли экспозиция ва қияликка эга қир-адирлик ҳамда текисликлардан иборат бўлиб, тупроғи эрозияга ўртача чалинган бўз тупроқлардан иборат. Типик лалмикор бўз тупроқлар органик ва минерал моддалар энг аввало азот ва фосфор билан кам, калий билан ўртача таъминланган тупроқлар тоифасига мансуб. Ер ости грунт сувлари сатҳи худуднинг рельефига қараб 10-20 м ва ундан ҳам пастликда жойлашган.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** ICARDA халқаро ташкилотидан келтирилган баҳорги юмшоқ буғдойнинг 17th SBWYT-НТ ва 19th ESBWYT питомниги намуналарида, дала шароитида ўсиши ва ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари баҳоланди.

Маълумки, ўсимлик бўйининг 60 смдан паст бўлиши ҳосилдорликка салбий тасир кўрсатади. Айниқса, баҳорги буғдой навлари учун тез ўсиш қобилиятига эга бўлиши ва ўсимлик бўйи 75-80 см оралиғида бўлиши ўта муҳимдир [2]. Ўсимлик бўйи буғдой навларида қурғоқчил шароитда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотларда андоза Тезпишар навида ўсимлик бўйи, 72 см ни, бошоқ узунлиги 9 см, бошоқчалар сони 15 дона, бошоқдаги дон сони 32 дона ва боёқдаги дон вазни 1,1 г ни ташкил этди. Ўрганилган тизмаларнинг узунлиги 48-62,6 см оралиғида бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, айрим ўсимлик бўйи узун бўлган намуналарда бошоқдаги дон вазни кам, ўсимлик бўйи паст бўлган тизмаларда дони вазни юқорилиги кузатилди. Маълумотлар жадвалда келтирилган.

Жадвал.

**Юмшоқ бугдой нав ва тизмаларини маҳсулдорлик кўрсаткичлари  
бўйича баҳолаш (Ғаллаорол, 2023 й).**

№	PLOT рақами	Ўсимлик бўйи, см	Бошоқ узунлиги см	Бошоқчал ар сони, дона	Бошоқдаг и дон сони, дона	Бошоқда ги дон вазни, г
1	Тезпишар (ан.)	72	9,0	15	32	1.1
2	SBWYT-HT-17- 0002	57	10.7	18	49	1.52
3	SBWYT-HT-17- 0020	54.8	8.8	18	49	1.24
4	SBWYT-HT-17- 0038	61.8	10.3	18	40	1.1
5	SBWYT-HT-17- 0049	61.8	9.6	18	50	1.52
6	SBWYT-HT-17- 0052	57.8	9.6	19	55	1.56
7	SBWYT-HT-17- 0059	58	9.4	19	51	1.38
8	SBWYT-HT-17- 0074	59.6	9.5	20	61	1.54
9	SBWYT-HT-17- 0076	55.6	9.5	15	55	1.44
10	SBWYT-HT-17- 0088	55.6	10.3	19	57	1.48
11	ESBWYT-19- 0026	52.2	10.3	22	73	2.08
12	ESBWYT-19- 0030	56	11.4	18	52	1.4
13	ESBWYT-19- 0036	60.4	10.8	19	53	1.3
14	ESBWYT-19- 0039	48.4	8.9	18	49	1.48
15	ESBWYT-19- 0040	48	9.4	18	53	1.48

16	ESBWYT-19-0047	57.8	10.2	18	64	1.94
17	ESBWYT-19-0051	52	7	18	56	1.52
18	ESBWYT-19-0053	60.2	10.8	18	38	1.14
19	ESBWYT-19-0054	53.6	11.1	17	50	1.86
20	ESBWYT-19-0055	52	9.7	17	62	1.68
21	ESBWYT-19-0057	62.6	9.4	18	58	1.64
22	ESBWYT-19-0063	60.6	12.3	20	53	1.5
23	ESBWYT-19-0069	56	11.2	19	53	1.6
24	ESBWYT-19-0070	57.4	8.5	16	45	1.22

SBWYT-HT-17-0038 тизмасида ўсимлик бўйи 61,8 см, бошоқдаги дон вазни 1.1 г, ESBWYT-19-0036 тизмасида тегишлича 60,4 ва 1,3 г, ESBWYT-19-0053 тизмасида 60,2 см ва 1,14 г, ESBWYT-19-0040 тизмасида 48 см ва 1,48г, ESBWYT-19-0026 тизмасида 52,2 см ва 2,08 г бўлганлиги тадқиқотлар натижасига кўра аниқланди.

Бошоқдаги бошоқчалар сони ҳосилдорликнинг самарадорлигини билдиради. Бошоқдаги дон сони ва 1000 та дон вазни белгилари эса ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқдир. Кўп ҳолларда бошоқ узунлиги билан бошоқчалар сони ўртасида ижобий боғлиқлик бўлиб, ўз навбатида бошоқ зичлиги билан чамбарчас боғлиқдир[1].

Намуналарнинг бошоқ узунлиги 7-12,3 см гача бўлганлиги кузатилди, бунга кўра SBWYT-HT-17питомниги намуналарида бошоқ узунлиги 8,8-10.7 смгача, ESBWYT-19 питомниги намуналарида эса 7-12,3 см бўлганлиги аниқланди.

Бошоқ узунлиги бўйича юқори кўрсаткич ESBWYT-19-0063 намунада 15,2 см ни ташкил қилди.

Ўрганилган намуналарда бошоқдаги бошоқчалар сони 16-22 донагача бўлганлиги, энг юқори кўрсаткич ESBWYT-19-0026 намунада 22 та бошоқча бўлганлиги аниқланди.

**Хулоса.** Тадқиқотлар натижасида аниқланган, маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган ICARDA халқаро ташкилотидан келтирилган баҳорги юмшоқ буғдойнинг 17th SBWYT-НТ ва 19th ESBWYT питомниги намуналаридан қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли, ҳосилдорлиги юқори бўлган юмшоқ буғдой навларини яратишда бошланғич манбалар сифатида фойдаланиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ковтун В.И., Ковтун Л.Н. Озерненность масса зерна с колоса и масса 1000 зерен в повышении урожайности озимой мягкой пшеницы // Известия Оренбургского гос-твенного аграрного университета. 2015. № 3, – С. 27 29.

2. Tadesse, W., Manes, Y., Singh, R. P., Payne, T., & Braun, H. J. // Adaptation and performance of CIMMYT spring wheat genotypes targeted to high rainfall areas of the world. Crop science, 50(6), 2010. p- 2240-2248.

3. X.EGAMOV, I.KIMSANOV “Qishloq xo’jalik ekinlari urug’chiligi va urug’shunosligi” Darslik. 16 b.

4. Juraev M.A., A.A.Holdorov Influence of Global Climate Changes on Cereal Crops Yield in Rainfall Lands in Uzbekistan. Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. Vol. 12 (january-2023). P-32-36.Eurasian. <https://zienjournals.com>